



Равшан ҲАМРОЗ

ЭЙ ДИЛДОР

Шеърлар



“Ҳаёт” нашриёти
Андижон-2006 й.

84(5У)6-5 Ўзбек бадийи адабиети
— Шеърлар



Ю 32190
091


Ёш иқтидор соҳиби Равшан Ҳамрознинг ушбу “Эй дилдор” номли илк китобига лирик шеърлари жамланди.

Муҳаббатнинг оловли кечинмаларига бой бўлган мисралар қалбларга ҳарорат бағишлаши, азиз шеърхонларнинг севимли ҳамроҳи бўлиб қолиши шубҳасиз.

ХГ-ХР-_____ ША

Равшан Ҳамроз “Эй дилдор” шеърлар.

@. “Ҳаёт”. А.-2006.





МАККОРА ҚИЗ

Гулмиди ё тиконмиди қўлингдаги,
Поёндозми ё қизил чўғ йўлингдаги,
Муҳаббатми, ҳавасмиди кўнглингдаги,
Олислардан имо қилган маккора қиз?

Тонг эдию хижрон қийнаб тун бўлди қалб,
Нахот ширин сўз айтмайсиз менга атаб?
Зерикапман орзуси йўқ ишқла яшаб,
Олислардан имо қилган маккора қиз.

куёш чиқиб шабнам қочди гул юзидан,
Тутаман деб кетди шамол ул изидан,
Нахотки бахт топиб бўлмас бой қизидан,
Олислардан имо қилган маккора қиз?

Осмонлардан тушмагайсиз туриб мағрур,
Эгилгани йўл қўймайди менга ғурур,
Шу бахтим деб тўйдиради кўнгил қурғур,
Олислардан имо қилган маккора қиз.

Ўзим ҳайрон – гулми, тикон қўлимдаги,
Поёндозми, қизил чўғми йўлимдаги,
Сизмиди ё ўзгамиди кўнглимдаги,
Олислардан имо қилган маккора қиз?!



СОҒИНЧ ҚИЙНАР...

Соғинч қийнар яна мени фироқда,
Мен суйган қиз энди мендан йироқда,
Ишқ кемаси қолиб кетди қирғоқда,
Ахир ёлғиз сузиб қайга бораман?

Маслаҳат бор менинг учун оқилда,
Ғийбатлар бор душманимда, ғофилда,
Кема эса ҳамон қумда, соҳилда,
Ахир ёлғиз сузиб қайга бораман?

Уйқу қочар юмсам кўзим тунларда,
Ташвиш ошар армон ўтган кунларда,
Томир отди кема ётиб қумларда,
Ахир ёлғиз сузиб қайга бораман?

Ўтар чоғим очиқ экан ланг эшик,
Кўрдим ҳовлинг ўртасида толбешик,
Қайтай десам кема қалбдек илма-тешик
Ахир ёлғиз сузиб қайга бораман?

Ишонгандим муҳаббатга, бахтларга,
Армон бўлди, ишонгандим аҳдларга,
Кемам каби бағрим бердим захларга,
Ахир ёлғиз сузиб қайга бораман?



ТАСАЛЛИ

Мен уни севдиму нозик билакка,
қўл ҳам текизмабман бир бор ақалли.
Бугун айрилгандан шўрлик юракка,
Ёниб севгансан деб бердим тасалли.

Кўз бунга ишонди термулиб охир,
Тишлар орасида тилим чурқ этмас.
Киприк “қарсак чалиб” қўллади сўзим,
Қувонган рақибим, юрагим эмас.

Нетай, бўлса орзу армонга ҳамроҳ,
Шодлик-ла ғам юрса, нетай, ёнма-ён?
Эслагина бир бор имкон топсанг, моҳ,
Тайёр эдим сен-чун бермоққа ҳам жон.

Йиллар ўтган сари унутдир бир-бир,
Аччиқ қисматлару ширин хотира.
Отамдай сен ўзинг тушунтир, тақдир,
Мендай жунун борми дунёда сира!

Дарахт унутгандай ўз япроғини,
Тўкилгач шохлардан бўлиб у хазон.
Ёримнинг бебаҳо ҳар нигоҳини -
Юрагим куйганча ҳис этар ҳар он.



СЕВАР ЁРИМ

Йўлга муштоқ кўз ёшлариниг сел бўлмасин,
Юрагингда дардларинг кўп, шеър бўлмасин,
Севар ёрим, сирларингни эл билмасин,
Севар ёрим, сирларингни ўзимга айт.

Офтобга етар урсам ногаҳон оҳ,
Ишқда куйган юракларга, ҳақ, бер ланоҳ,
Ёнгинангда бўлмасам-да, тушда гоҳ-гоҳ –
Севар ёрим, сирларингни ўзимга айт.

Шафқат билмай ўтар умр, кутиб турмас,
Аламлардан юрак гоҳи уриб-урмас,
Омад ҳам бир ўйиндайин, кулиб-кулмас,
Севар ёрим, сирларингни ўзимга айт.

Не савдолар тушмас сейсан ёлғиз бошга,
Тақдир бизни сайлагандир бошқа-бошқа,
Дардларингни айтгунигча йиғлаб тошга,
Севар ёрим, сирларингни ўзимга айт.

Умримизга соя солса ғамлар ҳар дам,
Балки энди бўшамасмиз азоблардан,
Бу дунёда топишмасак маҳшарда ҳам,
Севар ёрим, сирларингни ўзимга айт.



ДУР БЎЛСИН

Аста-аста қадам босган
Келин изи дур бўлсин.
Куёвтўра қўйнида ул,
Келинчак қил гул бўлсин.

Юзи ёруғ келсин келин,
Янги уйдан дил тўлиб.
Келин билан хонадонга,
Бахтлар келсин гул бўлиб.

Икки дилга чимилдиқнинг,
Шўхликлари сир бўлсин.
Тушларида келин лола,
Куёвтўра қир бўлсин.

Келинчак-у қайнонанимнг,
Забонлари қанд бўлсин.
Ҳай-ҳай, айтинг, бобосидек,
Куёвтўра мард бўлсин.

Келинчакни бахт қасрига,
Етакловчи куёв-да.
Бахтлар тиланг иккисига,
Бахтли бўлсин дунёда.

Бугун улар бахт кечаси,
Давра тўлсин яплага.
Худо бериб, ўғил-қизга –
Ҳовли тўлсин болага.

Аста-аста қадам босган –
Келин изи дур бўлсин.
Куёвтўра қўйнида ул,
Келинчак қил гул бўлсин.



СЕВАР ЭДИМ

Мен у қизни севар эдим, мен у қизни,
Бугун уни бегона деб айтиш қийин,
Кўчасидан бошни эгиб қайтиш қийин,
Ўша қизни севар эдим, ўша қизни.

Шу қишлоқда бизлар тенги, бўйга етган,
Совчи келиб қўлларини сўраб кетган,
Шум янгалар паранжига ўраб кетган,
Ўша қизни севар эдим, ўша қизни.

Тақдиримнинг бўлди менга диллари тош,
Тош тақдирга мен ҳам қилай сирларим фош:
Унсиз йиғлаб кетаётган, кўзида ёш –
Ўша қизни севар эдим, ўша қизни.

Хой севгимдан, юрагимдан воқиф инсон,
Эрмак қилиб, дилимни сен қилма хуфтон,
Қилмасам ҳам сенинг каби аҳди паймон,
Ўша қизни севар эдим, ўша қизни.

Мен бахтимга етдим дея шодланган кун,
Бахтим юлиб кетди қалбдан бир куч беун,
Орзулари сочи каби узун-узун,
Ўша қизни севар эдим, ўша қизни.



АЙРИЛИШ

Сен билан айрилиш нақадар азоб,
Юрак жон бергандай қийналар танда.
Қани кўзимизда порлаган учкун?
Қани юзимизда кечаги ханда?

Сен жимсан, мен эса... мен ҳам сен каби,
Турибман сўнгги бор боқиб кўзингга.
Наҳот бизга ишқнинг тегмайди нафи,
Аламлар тиқилган лалла бўғзингга?

Наҳот муҳаббатлар бир ўткинчи ҳис,
Наҳот ёлғон бўлса дил тўла туйғу?
Йўк, йўк, муҳаббат ҳеч бевафо эмас,
Мен туш кўраяпман, ўнгиммас, уйку.

Сен нега кўзингга ёш олдинг, ёрим?
Нега юзларингни босиб қолди ғам?
Сени ўнгимда ҳам шод кўрардим-ку,
Нега тушларимда йиғладинг, эркам?

Бу тушдир, йиғлама, уйғонсам албат,
Ўзим борадирман излаб қошингга.
Сен фақат кулиш-чун яралгандирсан,
Бу ташвиш арзимас тўккан ёшингга.

Нега ишонмасдан қарадинг менга,
Ўзимни чимчилаб кўраман ҳозир.
Нега уйғонмадим, демак ...демак бу...
Тушум эмас эканг, жонгинам, узр.

Сен билан айрилиш нақадар азоб,
Юрак жон бергандай қийналар танда.
Қани кўзимизда порлаган учкун?
Қани юзимизда кечаги ханда?



АЛАМ

Кўп азобдир ёшлиқда санам,
Қўлларида тутмасанг бир дам,
Лекин ишон ҳаммасидан ҳам,
Муҳаббат кеч келгани алам.

Сочларига тақиб гулчечак,
Севар ёринг бўлса келинчак,
Айвондаги тилло беланчак,
Ёт қўлига теккани алам.

Қовурилсанг ўзинг ёғинга,
Куймас биров сенинг доғинга,
Баҳор келмай ҳали боғинга,
Кузни такрор келгани алам.

Бўрон келмай саратон - ёзда,
Ўз ўрнида келгани соз-да,
Томорқангдан энди аёзда,
Баҳор гули унгани алам.

Бармоқларин юракка тираб,
Қолганида қўллар қалтираб,
Тонг шамоли тунда тентираб,
Деразангни чертгани алам.

Айтиб такрор умр заволинг,
Сен-чун куйса, суймас аёлинг,
Чўлоқ отдай энди ҳаёлинг,
Кўкка парвоз этгани алам.

Севдим десанг, боқмай кўзингга,
Тикан сочиб боскан изингга,
Ўн саккиз йил ўтиб, қизингга -
Совчи бўлиб келгани алам.

Кўп азобдир ёшлиқда санам,
Қўлларида тутмасанг бир дам,
Ишон, дўстим, ҳаммасидан ҳам,
Муҳаббат кеч келгани алам.



ШОДЛИКЛАРГА

Бир боқишда юрагимга отиб пайкон,
Юрагимни ишққа макон этган жонон,
Ҳеч бўлмаса тушга кириб, тушда пинҳон,
Шодликларга бизни шерик қилиб туринг.

Ой нуридан яратганми ҳуснингизни,
Ошиқлар лол кўриб бугун жисмингизни,
Кўзингиздан айтиб майли исмингизни,
Шодликларга бизни шерик қилиб туринг.

Ишқ яралмиш чин бўлса гар, қалб кўридан,
Ким ҳам ўтмас юрак туриб ишқ йўлидан,
Жой ажратиб бизга ҳам гоҳ дил тўридан,
Шодликларга бизни шерик қилиб туринг.

Сунбул сочлар тўлғонмасин армонлардан,
Ажралмасин дил ишқ деган карвонлардан,
Мактубингиз бериб бизга сарбонлардан,
Шодликларга бизни шерик қилиб туринг.

Биз билмаймиз ким бўлишин йўлдошимиз,
Балки сиздир, балки бошқа дилдошимиз,
Тагин тушда порлатиб ишқ қуёшимиз,
Шодликларга бизни шерик қилиб туринг.



НЕЧУН?

1

Кўмгандим юрагим тубига севгинг,
Тасаввур қилмасдим ҳаётни сенсиз.
Ваъдалар бериб сўнг, бошқа деб тенгим,
Нечун алдаб кетдинг, эй алдамчи қиз?

Энди дилимда на ҳаловатим бор,
Ой боқар тунлари кўзимга маъюс.
Дунё-ку кенг эди, қилиб кўзга тор,
Нечун алдаб кетдинг, эй алдамчи қиз?

Кўкка парвоз қилди энг эзгу тилак,
Армон бўлди бари кўнгил тўла ҳис.
Беваъда кетсанг-ку йўриғи бўлак,
Нечун алдаб кетдинг, эй алдамчи қиз?

Сенсиз бефайздек ишқнинг гулшани,
Тиканга бошпана биз қолдирган из.
Ўзим ёр этмоқчи эдим-ку сени,
Нечун алдаб кетдинг, эй алдамчи қиз?

Эй хижрон, ортимдан юрагин санқиб,
Тоғларга бевафо суратини чиз.
Гўё ишқ сойида олмадек қалқиб,
Нечун алдаб кетдинг, эй алдамчи қиз?

Айбдор демоққа чидолмас виждон,
На сен деёлмайман, на деёлмам сиз.
Барча туйғуларим этиб сен армон,
Нечун алдаб кетдинг, эй алдамчи қиз?

Сен билан бахт қасрин қурмоқчи эдим,
Фишти ҳом эканми, қулади, афсус...
Мен ҳам орзуйингни бажо қилардим,
Нечун алдаб кетдинг, эй алдамчи қиз?



Бошда иккимизнинг бошимиз силаб,
Сўнгра иккимизга ўзга бахт тилаб,
Энди унутганда ярам янгилаб,
Нечун қайтиб келдинг, эй илк муҳаббат?

Балки тиллоларга буркаб эгнингни,
Излаб топмоқчийдинг ўзинг тенгингни,
Минг бор сўрсам айтмай, бугун севгингни,
Нечун айтиб келдинг, эй илк муҳаббат?

Сени ўйлаб ошно бўлиб дард-ғамга,
Уланганди тонгим бедор кечамга,
Қол десам, қолмовдинг, бугун кўчамга,
Нечун дайдиб келдинг, эй илк муҳаббат?

Кўриб, балки кўрмай кўздаги ёшни,
Бир қилмоқ ҳам бўлдинг гоҳ икки бошни,
Бугун нишонидан палаҳмон тошни,
Нечун айриб келдинг, эй илк муҳаббат?

Энди порлаб қуёш, омад чопганда,
Тақдир суйиб зардан чопон ёпганда,
Сен эмас, ўзгадан бахтим топганда,
Нечун қайтиб келдинг, эй илк муҳаббат?
Қайда дайдиб келдинг, эй илк муҳаббат?



КАДРИНГ

Эркалаб юзингдан бир ўполмадим,
Дил бериб қўлингдан ё тутолмадим,
Унутамаман девдим, унутолмадим,
Қадринг билинмоқда, қадринг, севгилим.

Кетдинг-у гўёки тун бўлди ҳаёт,
Соқов бўлди балки гунг бўлди ҳаёт,
Сен эдинг борлигим, йўқ ўзга нажот,
Қадринг билинмоқда, қадринг, севгилим.

Юзим ювилмоқда кўздаги ёшга,
Яна қандай азоб бор экан бошга,
Қайдан кўнгил бердим сен бағритошга,
Қадринг билинмоқда, қадринг, севгилим.

Ҳаётга шабнамдек синган гўзалим,
Юлдуздек орзуси сўнган гўзалим,
Фирромлар сўзига кўнган гўзалим,
Қадринг билинмоқда, қадринг, севгилим.

Ёлғиздирман бугун, бўлгин ўртоқ, йўл,
Мажнун кезиб ўтган азиз қумлоқ йўл,
Қани, менга кўрсат, майли, сўқмоқ, йўл?
Қадринг билинмоқда, қадринг, севгилим.

Суяб сочингга гул тақа олмадим,
Юракка аланга ёқа олмадим,
Хаттоки ийманиб боқа олмадим,
Қадринг билинмоқда, қадринг, севгилим.



СИРИМИЗНИ...

Нега мени тушунмайсан ёр,
Мендан нега қиласан араз?
Дилда сенга айтар сўзим бор,
Деразангни ёпмай тур бир оз.

Тоғу тошлар ошмасам ҳамки,
Ишқ деганин ғамлари бисёр.
Келдим яна товонинг ўпган -
Кокилингга бўлиб харидор.

Кўзинг айтиб кўяр сирларинг,
Сен ҳам менга бефарқ эмассан.
Тилим толди севаман дея,
Сен эса жим севдим демассан.

Йигитлар-ку билмас уялиш,
қиз деганин бўлади нози.
Савол берсанг, у индамаса,
Демак, у қиз сўзингга рози.

Дарвозангдан чиққин бир қадам,
Бормасанг ҳам айтилган жойга.
Етказгин деб тақдирга ўзинг,
Сиримизни айтамиз ойга.



ЭСЛАЙМАН

Оҳ, муҳаббат туйғуси надир,
Юракларга урган тамғадир,
Шунинг учун ҳар гал тунда бир,
Ишон, албат эслайман сени.

Кимдир ишқни яшар дер онгда,
Кимдир уни жўшар дер қонда,
Билмадиму, лек мен ҳар онда,
Ишон, албат эслайман сени.

Вақт тополмай ёр учун бир пас,
Эсламасанг, буни ишқ демас,
Мен-ку олганимда ҳар нафас,
Ишон, албат эслайман сени.

Бевафо деб ўйлама бунча,
Чин ишқ ахир бўладир шунча,
Фурсат етиб, кўз юмилгунча,
Ишон, албат эслайман сени.

Ёр, қайғуриб, чекаверма ғам,
Нечун қаро кўзинг бўлди нам?
Тинч ухламай ҳатто тушда ҳам,
Ишон, албат эслайман сени.

Бизларда бор шундай ақида:
- Бажармасанг, бермагин ваъда,
Мен эслайман ҳар дақиқада,
Лек сен қай вақт эслайсан мени?..




ЁЛҒИЗЛИК

Миллионлаб юлдузлар суҳбат курган чоғ,
Танҳо ойни биров "ёлғизсан" демас.
Бахтсизликка йўйма ёлғизлигингни,
Ёлғизлик бахтсизлик дегани эмас.

Ўртарми юрагинг кўнглим тўқлиги,
Дилинг оғритдими қалбим шўхлиги,
Сенинг ёлғизлигинг – тенгинг йўқлиги,
Ёлғизлик бахтсизлик дегани эмас.

Кимнидир гоҳ шодон, гоҳида йиғлаб,
Кутарсан тунларни тонгларга улаб,
Бор ахир имконинг яшашга қувнаб,
Ёлғизлик бахтсизлик дегани эмас.





ОТАБЕК СЎЗИ

- Кунлар ўтди, йўлингга қарай, Кумуш,
Бир йўқлаб кел, дардингни олай, Кумуш,
Кенг дунёга сиғмадим тор қабрдан –
Жой олиб қўй, ёнингга борай, Кумуш.

- Фамларим кўп ёлғиз бошга сиғмагай,
Ҳижрон эса юрагимни тиглагай,
Ажралиш куйи сўнгида йиғламай,
Жой олиб қўй, ёнингга борай, Кумуш.

- Иккимиз ҳам асли ожиз бандамиз,
Севгимиз бир, лекин икки тандамиз,
Неки бўлса, энди бирга бўламиз,
Жой олиб қўй, ёнингга борай, Кумуш.





УМРИМ ЎТМОҚДА

Фасллар бир-бирин қувлашиб,
қиш баҳорга қўлонтутмоқда.
Улғайяпти ёшлар чувлашиб,
Менинг эса умрим ўтмоқда.

Қуёш ойга кўз тикиб илҳақ,
Тун кўлига маюс чўкмоқда.
Кимлар учун кутилган бу вақт...
Менинг эса умрим ўтмоқда.

Нетай, бўлса севганим булут,
Қучолмайин ёшин тўкмоқда.
Иккиланмай сен бахтингни тут,
Менинг эса умрим ўтмоқда.

Кеча кўрган қўрқинчли тушиб,
Ҳавотири аста тутмоқда.
Сен сайрагин беармон қушим,
Менинг эса умрим ўтмоқда.

Ширин сўзлаб, қучиб, эркалаб,
Чақалоқни эрта кутмоқда.
Ҳазонли боғ томон орқалаб,
Менинг эса умрим ўтмоқда.

Тез ўтар кун ортидан соат,
Етолмайин алам ютмоқда.
Яхшиларга соғиниб омад,
Менинг эса умрим ўтмоқда...



СЕНСИЗ

Сенсиз сезилмайди дунёнинг завқи,
Айлансин еру кўк, тақдирлар чархи,
Ишон, сенсиз менга йўқ куннинг фарқи,
Ҳаёт тингламайди, ишон, дил торинг,
Севгилинг бўлдимۇ бўлмадим ёринг.

Кеча биз маст эдик севги атридан,
Шод эдик тақдирнинг одил адлидан,
Исмим ўчар балки кўнглинг сатридан,
Қара, ҳаёт кардек этишмас додинг,
Севгилинг бўлдимۇ бўлмадим ёринг.

Афсус, бирга бешик тебратмаймиз биз,
Афсус, ўстирмаймиз бирга ўғил-қиз,
Армон қўлин тутар кўнгил тўла ҳис,
Ҳаёт эшитмайди қилган фарёдинг,
Севгилинг бўлдимۇ бўлмадим ёринг.

Бу дунёда мендек кўнгли пора йўқ,
Дили тўла армон ҳам бечора йўқ,
“Бахтли бўл” демоқдан ўзга чора йўқ,
Ҳаёт соқов қушдек тингламас зоринг,
Севгилинг бўлдимۇ бўлмадим ёринг.



МУҲАББАТНИ...

Муҳаббатни ёмон деманг, муҳаббатни,
Муҳаббатдан йўқ гўзалроқ ўзга туйғу,
Улашади гоҳи кулгу, гоҳи қайғу,
Муҳаббатни ёмон деманг, муҳаббатни.

Ишқ чаманин кезганида шодумон қалб,
Орзулардан гул баргаклар қўяр қадаб,
Жабр кўрсак, ўзимиздир унга сабаб,
Муҳаббатни ёмон деманг, муҳаббатни.

Мундоқ боқсанг дилдан чиққан ноладай у,
Кўз илғамас нозиккина толадай у,
Бешиқдаги, оҳ, беғуноҳ боладай у,
Муҳаббатни ёмон деманг, муҳаббатни.

Ёлғончи ҳис дея уни чектириб ох,
Сарсон этди билмай уни қанча гумроҳ,
Гар гуноҳкор бўлса, айтинг, ким беғуноҳ?..
Муҳаббатни ёмон деманг, муҳаббатни.

Кўнгилларга асли севги меҳмон эрур,
Қалб саҳросин гулзор этган “деҳқон” эрур,
Ишқни хўрлаб кўз ёш бизга нима берур,
Муҳаббатни ёмон деманг, муҳаббатни.

Севиш учун яралган бу танда юрак,
Бор-ку ахир менда юрак, сенда юрак,
Энг яхшиси, бу дунёда севиш керак,
Муҳаббатни ёмон деманг, муҳаббатни.



ЭНДИ БЕКОР

Энди бекор тўккан барча кўз ёшларим,
Аллақачон булбул шохдан учиб кетди.
Ерга эгиб осмон қадар тик бошларим,
Бевафо ёр ўзгасини қучиб кетди.

Севасанми десам, айтмай, иймангани,
Ёлғон экан ҳаёлидек қийналгани,
Шунча севиб, қолди юрак тирналгани,
Бевафо ёр ўзгасини қучиб кетди.

Шай эдим мен унинг чун бермоққа жон,
Севгимизга гоҳи тордек эди жаҳон,
Қадрим билмай, дардим билмай аллақачон,
Бевафо ёр ўзгасини қучиб кетди.

Мана энди турлар армон игна санчиб,
Ҳижрон қийнар юрагимни эзиб, янчиб,
Юрагимнинг бир бўлагин юлиб қочиб,
Бевафо ёр ўзгасини қучиб кетди.

Бекор энди олис йўлдан қайтганларим,
Булбул турган шохни бургут эгиб кетди.
Энди бекор севаман деб айтганларим,
Бевафо ёр ўзгасига тегиб кетди.



БАХТСИЗ ДЕВОР

(Ҳазил аралаш)

Мен сени қайлардан излаб топгандим,
қанчалар ортингдан юрган эдим зор.
қўл силтаб ўзгага тегиб кетгандинг,
Бугун эса қўшним бўлдинг – бир девор.

Ҳар тун янграр энди алланг товуши,
Ўтказасан тунни мен каби бедор.
Овозинг эшитиб, оҳ, қуймай десам,
Нетай, ўртамизда - бир ғиштли девор.

Кундуз ҳаловат йўқ энди сен деб,
Нафасинг юракка беради озор.
Юрарсан у ёқда ўз юмушингда,
Мен эса бу ёқда – ўртада девор.

Шу йўсин йиллар ҳам ўтди-ю бироқ,
Бўлиб қолди энди юрагим бемор.
Сенда бунга бордир малҳаминг аммо,
Олиб ўтай десам, бор баланд девор.

Нега бунча азоб берар бу севги,
Ҳатто кўмгани ҳам йўқдир бир мазор.
Мазор-ку топилар, аза тутмоққа,
Қўшни ўтай деса, ўртада – девор.

Ҳой қўшни, сабр қил, қиш ҳам келяпти,
Сен ҳам тарнов сувин деворга бурвор.
Кўклам келгунича кутармиз илҳақ,
Қулаб тушса керак бахтсиз у девор...



ЁЛҒОН ЭКАН

Кўчангизда сарсон севгим қолиб кетди,
Кўчангизни кезиб оёқ толиб кетди,
Бахтим эса ўзга кимса олиб кетди,
Ёлғон экан мени жондан севишингиз.

Рост айтсангиз, бардош йиғиб бу қийноққа,
Бормас эдим дилни эзиб, қийнамоққа,
Қандай журъат этолдингиз хўрламоққа?
Ёлғон экан мени жондан севишингиз.

Кетинг, майли, хаста дилга қайтмас бўлиб,
Сирларини бир умрга айтмас бўлиб,
Сингиб кетинг ўзга қалбга бир сас бўлиб,
Ёлғон экан мени жондан севишингиз.

Наҳот тақдир бизни ишқдан айро кўрса,
Наҳот севиш бизлар учун гуноҳ бўлса?
Нега севдим дегандингиз, гуноҳ бўлса?..
Ёлғон экан мени жондан севишингиз.

Қанотидан айро бўлди севгим менинг,
Ўксимагин, ўтинаман, кўнглим менинг,
Бошқа экан, билдим, бугун тенгим менинг,
Ёлғон экан мени жондан севишингиз.

Ҳаёлимни ундан, фалак, айр энди,
Сиз-ла ўтган ширин дамлар сайр энди,
Ёлғончи ёр сиза мангу хайр энди,
Ёлғон экан мени жондан севишингиз.



МУҲАББАТ

Ишқида ўй сурсам ўртаниб, гирён,
Ишқ-ла тириклигин сезарман, инсон,
Ошиқ харидорга тўла тўпалон,
Муҳаббат, ишқ деган бозорларинг кўп.

Достонларинг айтиб оқ капалакка,
Гул десам ўхшатиб сени малакка,
Гоҳи тиканларинг санчиб юракка,
Муҳаббат, сезилмас озорларинг кўп.

Армон қузғунлари гоҳо чарх урган,
Атай ғайр билан айшини сурган,
Кўнгилнинг қаърига орзуни кўмган,
Муҳаббат, жисмсиз мазорларинг кўп.





УЯЛИБ

Уялиб, ийманиб шу кўйга тушдик,
На мен сенга севгим айтдим ботиниб,
На сен, кучоқ очсам, келдинг отилиб,
Уялиб, ийманиб шу кўйга тушдик.

Гоҳида ҳафталаб кўришмадик юз,
Кўриб ҳам айтмадик бирон ширин сўз,
Гўзалим, бахтимиз тополмай хануз,
Уялиб, ийманиб шу кўйга тушдик.

Йўқсану сен ҳақда доим бор хабар,
Шу кўйда яшаймиз қачонга қадар,
Ахир бизлар учун севги ўзи зар,
Уялиб, ийманиб шу кўйга тушдик.

Тунлар тўлғонамиз хижронлар ила,
Тонгда уйғонамиз хижронлар ила,
Кутмагандик буни гўзалим сира,
Уялиб, ийманиб шу кўйга тушдик.

Бас, энди тонг отса сочимни тараб,
Йўл олгум албатта сен томон қараб,
Қуёш, уйғотиб қўй мени эрталаб,
Уялиб, ийманиб шу кўйга тушдик.



ЮРАК ЎЗИ

Суйган ёрим бўлганда келин,
Бир майсадёк эзилди дилим,
Сиз бирон сўз деманг, жон синглим,
Юрак ўзи минг пора бўлди.

Арзон бўлди ишқимиз нархи,
Ён босмади дунёнинг чархи,
Бундай боқманг, муҳаббат ҳаққи,
Юрак ўзи минг пора бўлди.

Елкам тўла азобу армон,
Гўё ташвиш ёғдирар осмон,
Сиз устимдан кулманг, сингилжон,
Юрак ўзи минг пора бўлди.

Алвидо, эй суюкли ёрим,
Нетай, сенга етмади зорим,
Шудир менинг сўнгги қарорим,
Юрак ўзи минг пора бўлди.

Майли, энди бахтингиз топинг,
Паранжини, моможон, ёпинг,
Бевафо қиз, йиғламай кетинг,
Юрак ўзи минг пора бўлди...



ОШИҚМИЗ

Мендан яна нени кутяпсан интиқ,
Узр, сенга ойни қилолмам тортиқ,
Бизга муҳаббатдан бошқаси ортиқ,
Ахир биз ошиқмиз, савдогар эмас.

Ошиқлик эмасдир зар-ла сийламоқ,
Бойликка бош эгмоқ, зар-чун қийнамоқ,
Муҳаббат рамзидир ёниб қуйламоқ,
Ахир биз ошиқмиз, савдогар эмас.

Ошиқман дейсану бўласан ҳалак,
Ошиқма, омадни беради фалак,
Керак бўлса кўкдан кутамиз чалпак,
Ахир биз ошиқмиз, савдогар эмас.

Биламан, ишқ дарди нимталар бағринг,
Тушун, меникидай сенинг ҳам дардинг,
Чўктирма ғуруринг, тушурма қадринг,
Ахир биз ошиқмиз, савдогар эмас.

Кутайлик, бўлсақда биз бир-бирга зор,
Лекин сенга ваъда айламайман нор,
Ошиққа севгидан бошқаси бекор,
Ахир биз ошиқмиз, савдогар эмас.



КЕЧ БЎЛСА ҲАМ...

Соғинчларнинг саробидан ўтдингми ёр,
Қочқоқ ишқнинг этагидан тутдингми ёр,
Қалбга ишқнинг эрта-кечи бўлмас асли,
Кеч бўлса ҳам, муродингга етдингми, ёр?

Фамлар қазган жилғаларга юзлар тўлиб,
Ёшлиқдаги куч-ғайратлар эртақ бўлиб,
Йўлга муштоқ мунгли кўзлар нури сўниб,
Кеч бўлса ҳам, муродингга етдингми, ёр?

Мажнунтолнинг остидаги ширин сўзлар,
Қайтмаса ҳам жамалак соч, анор юзлар,
Дилдан суйган ошиғини абад излар,
Кеч бўлса ҳам, муродингга етдингми, ёр?

Фақат йиллар ўтди бунда бериб сабоқ,
Ҳар сабоқлар қора сочга кўндирди оқ,
Азобларсиз ўтмағайдир асли фироқ,
Кеч бўлса ҳам, муродингга етдингми, ёр?

Тўлай десанг ишқсиз тўлиб бўлмас экан,
Муҳаббатсиз ярим кўнгил тўлмас экан,
Бу дунёда ишқсиз ўлиб бўлмас экан,
Кеч бўлса ҳам, муродингга етдингми, ёр?

Фироқларнинг фалагидан излаб юлдуз,
Тўлғонган ҳам сенсан ахир кеча-кундуз,
Ишқ боғингга, кетиб баҳор, келганда куз,
Кеч бўлса ҳам, муродингга етдингми, ёр?
Қочқоқ ишқнинг этагидан тутдингми, ёр?



ТУНДА...

Тунда юрак кўксим силтаб қўймоқда,
Балки юрак ташвишлардан тўймоқда,
Ҳиёнатлар кўзларимни ўймоқда,
Кўрамиз-да пешонада борини.

Диёнатлар ҳиёнатга йўл берар,
Қофил суйиб шайтонларга қўл берар,
Дилда оғриқ оғриқларга зўр берар,
Кўрамиз-да пешонада борини.

Кимдир фақат бўшамайди нолишдан,
Ишинг тушса, ўтиб кетар донишдан,
Ҳамма мағрур, истамас паст қолишдан,
Кўрамиз-да пешонада борини.

Етар, ғаним, ҳадеб жонга тегмагин,
Дол қаддимни тагин ерга эгмагин,
Ўзни осмон билиб кўкрак кермагин,
Кўрамиз-да пешонада борини.

Кимга вафо қилган асли дунё дун,
Кимда бордир шодон ўтган тугал кун,
Куяверма азоблардан, жон дўстим,
Кўрамиз-да пешонада борини.

Айрилдим деб суйганимдан сингилжон,
Тўкаверма кўларингдан ёш - маржон,
Бевафога тўла экан бу жаҳон,
Кўрамиз-да пешонада борини.



АЙТГИН?

Толкўчангда ўтса ҳамки кунларим,
Соғинч қийнаб борар эдим - тун ярим,
Бир туш этиб ўша бедор тунларим,
Кимни бахтли қилдинг, айтгин, ёргинам?

Ҳар сония ёдга солиб аҳдимни,
Сенга ҳадя айласам гул вақтимни,
Мендан олиб ҳаёлимни, бахтимни,
Кимни бахтли қилдинг, айтгин, ёргинам?

Жўнатсам у севади деб зорланиб,
Совчиликдан онам қайтди хорланиб,
Фариштадек оқ либосда товланиб,
Кимни бахтли қилдинг, айтгин, ёргинам?

Олов рангги юрагимдек эмас тўқ,
Борсам яқин, қайт ортга, деб қилар дўқ,
Севги йўқ, деб кўкка учар тинмай чўғ,
Кимни бахтли қилдинг, айтгин, ёргинам?

Мен етмадим гулдек бўю бастингга,
Энди хуш бор орзу қилган қасрингга,
Армон айлаб ошигингни васлингга,
Кимни бахтли қилдинг, айтгин, ёргинам?

Толкўчангда ўтса ҳамки кунларим,
Соғинч қийнаб борар эдим тун ярим,
Етим қилиб ошиқ дилим, куйларим,
Кимни бахтли қилдинг, айтгин, ёргинам?



АДАШГАН ҚИЗ

Ёр танлашда адашди қиз, бечора қиз,
Юрагида энди армон “ғиччак чалар”,
Энди ўкинч, “афсус” дилга олов қалар,
Ёр танлашда адашди қиз, бечора қиз.

Ишонгани ғам берди-ю дил бермади,
қувониб бир бахтлиман деб қалб кермади,
Чимилдикни кўрди, аммо бахт кўрмади,
Ёр танлашда адашган қиз, бечора қиз.

Офтоб чиқар, аммо тушмас қалбига нур,
На йўл топди юрагига маржон ва дур,
Чидар энди бу ғамларга бўлиб мажбур,
Ёр танлашда адашган қиз, бечора қиз.

На ёридан вафо топди, на бир меҳр,
Ҳаётида на маъно бор, на бир сеҳр,
Бу ҳаётни танлаган-да ўзи ахир,
Ёр танлашда адашган қиз, бечора қиз.

Ҳаёл суриб узоқ-узоқ, тошдек қотар,
Пар ёстиғи гўё бошга тошдек ботар,
Ёстиғига дардин айтиб тонглар отар,
Ёр танлашда адашган қиз, бечора қиз.



ОРЗУДАГИ ЁР

Дунёни ахтариб тополмаганим,
Бошига бир рўмол ёполмаганим,
Пойига юрагим отолмаганим,
Келдингу кеч энди, орзудаги ёр.

Тақдирдан пешона чўчиб бўлганда,
Ҳаёлдан орзулар ўчиб бўлганда,
Гиштлири қолипдан кўчиб бўлганда,
Келдингу кеч энди, орзудаги ёр.

Келишинг айтмадинг нега сен ахир,
Кутавериб йўлинг қон бўлди бағир,
Оқиб кетганида сандикда Тохир,
Келдингу кеч энди, орзудаги ёр.

Йўқолиб юракда севгининг қадри,
Туғаб бўлганида сабрнинг сабри,
Гулларга буркалгач муҳаббат қабри,
Келдингу кеч энди, орзудаги ёр.

Кўриб етолмаган эрка жайроним,
Кўкдаги юлдузмас, менинг армоним,
Мен сени ўйлабман деб меҳрибоним,
Келдингу кеч энди, орзудаги ёр.

Оламлардан излаб тополмаганим,
Бошига бир рўмол ёполмаганим,
Юрагим пойига отолмаганим,
Келдингу кеч энди, орзудаги ёр.



АЗИЗИМ...

Бир куни эгилар теракдек қомат,
Қартайиб кўзларга тортилар парда.
Эрон олмасидек лўппи юзлардан,
Лаблардек ажинлар отишар ханда.

Ҳазондек тўкилар жамалак сочлар,
Омон қолганлари поклайди ўзни.
Кимдир она дейди, ким эса буви,
Кечаги шўх қизни, эркатой қизни.

Шўхликлар қолади, эркаликлар ҳам,
Нозу карашмалар кетади йироқ.
Гўзал билакларнинг нозик кафтлари,
Балки асо тутиб бўлади қадоқ.

Лекин ўшал кунга етганлар бордир,
Дош бериб муштдайин юрак қайғуга.
Лекин ўшал кунлар бўсағасида,
Кетганлар ҳам бордир мангу уйкуга.

Азизим, сен эса бу шеърим ўқиб,
Тушкунликка тушма, қилма хавотир.
Ахир биз бир-бири севамиз чиндан,
Не бўлса ҳам бизлар биргамиз ахир.



ЁТ КЎЧАГА

Ўн саккизда ойдеккина тўлибсиз, ёр,
Сочингизни қирқта - майда ўрибсиз, ёр,
Шундоқ кўшни уйга келин бўлибсиз, ёр,
Ёт кўчага келинликдан чўчиган қиз.

Кўчангиздек бизнинг кўча зўр боғ эди,
Боғ кўчамиз йўлингизга муштоқ эди,
То ўлгунча юракка бу фироқ энди,
Ёт кўчага келинликдан чўчиган қиз.

Қанча севиб, ушполмадим қўлчангизни,
Ўтказдингиз менсиз бахтли кечангизни,
Гуллар экиб обод қилинг кўчангизни,
Ёт кўчага келинликдан чўчиган қиз.

Соғинганда юрак тагин бошлаб борар,
Ҳар борганда кўзларимни ёшлаб борар,
Армонларга тўлган дилни тошлаб борар,
Ёт кўчага келинликдан чўчиган қиз.

Сизсиз юрсам эл ичида шувут юзим,
Ўртанган ҳам, ўрганган ҳам бўлдим ўзим,
Унутарман, етар энди, сўнгги сўзим,
Ёт кўчага келинликдан чўчиган қиз.

Буздим дея азоб чекманг аҳдингизни,
Оллоҳ берсин иймондаги тахтингизни,
Ўзгадан ҳам топинг, майли, бахтингизни,
Ёт кўчага келинликдан чўчиган қиз.



СУВ СЕПГАНИ

Сув сепгани чиқма пойлаб йўлимни,
Орамизда энди йўқдир яқинлик,
Фақат сенга тилагайман оқинлик,
Шафқат айла, чиқма пойлаб йўлимни.

Севарим сен эдинг дилда ягона,
Ўтган дамлар энди дилга афсона,
Бугундан биз бегонамиз, бегона,
Шафқат айла, чиқма пойлаб йўлимни.

Йўқолмасин қалбингда ҳеч диёнат,
Асли сен ҳам бир йигитга омонат,
Йўлдошинга қилиб кичик ҳиёнат,
Шафқат айла, чиқма пойлаб йўлимни.

Унутганман сени бахтли кечангда,
Пайдо бўлсанг висол учун дарчангда,
Изим қолмас тушун ўша кўчангда,
Шафқат айла, чиқма пойлаб йўлимни.

Такдир экан, қочиб қайга борарсан,
Энди дилинг, айтгин, кимга ёрарсан?
Балки мени эслаб-эслаб юрарсан,
Шафқат айла, чиқма пойлаб йўлимни.



СЕНИ

Сени севгилим деб, сочингни силаб,
Суюб жой ажратсам қалбим тўридан,
Вафо деб аталмиш кўнгил мулкини,
Асрай оласанми "юлғич", "ўғридан"?

Қўлларингдан тутиб, кўзингга боқиб,
Бор меҳрим бахш этсам фақат ўзингга.
Мен сенга ишонган каби, ёргинам,
Содиқ қоласанми айтган сўзингга?

Бу ҳаёт аслида фақат бахт эмас,
Роҳатга бегона қаро куни бор.
Худо кўрсатмасин, ширин жон бир кун...
Чидай оласанми айрилиққа, ёр?

Чўчима, бу фақат ёлғиз Оллоҳдан,
Ўзидир жон бериб, олгучи азал.
Сендан айрилмайман, ишон, жонгинам,
Фақат жоним сўраб келмаса ажал.





КЕРАК ПАЙТ

Керак пайт бағрингни айлантир тошга,
Бўлмаса гул каби юлиб кетади.
Иккала кўзингни тўлдириб ёшга,
Сўнгра аҳволингдан кулиб кетади.

Керак пайт бера бил билагингга куч,
Ватанинг, халқинг-чун кеча бил жондан.
Мағрур куйлаб ўтсин қалб отлиғ қушинг,
Жасорат, гўзаллик қолсин инсондан!

Керак пайт тош бўлиб қотмасин забон,
Тулкидек туллаглар қолсин ҳайратда.
Умр ғаниматдир яша беармон,
Яхши номинг қолсин гўзал ҳаётда.





ВАЪДАСИНИ

Ваъдасини унутган қиз, бевафо қиз,
Энди бугун ёр-ёрингиз айтиб кетинг,
Юрагимнинг бир бўлагин қайтиб кетинг,
Ваъдасини унутган қиз, бевафо қиз.

Энди армон боғлардаги изларингиз,
Менга армон ширин-ширин сўзларингиз,
Бугун кимга қадалган шўх кўзларингиз,
Ваъдасини унутган қиз, бевафо қиз?

Иккимиздан илҳақ бўлиб, мадад тилаб,
Орзуларим осмонлардан тушди қулаб,
Кўрмагандек сиз кетдингиз ишқни пуллаб,
Ваъдасини унутган қиз, бевафо қиз.

Сизга бўлган муҳаббатим билиб туриб,
Сизсиз ҳаёт тунлигини кўриб туриб,
Қайтмадингиз, жоним десам қовоқ уйиб,
Ваъдасини унутган қиз, бевафо қиз.



УНУТМА

Баҳорнинг дараги – кўкдаги турна,
Кўзнинг гўзаллиги – кўздаги сурма,
Санам, севги деса, лабингни бурма,
Мени унутсанг ҳам унутгин, аммо
Севгимиз унутма, унутма асло.

Билмаймиз биз ҳали ким яхши, ёмон,
Кимлар оптимиздан тўқишар дoston,
Юрагим забт этган, эй сулув жонон,
Мени унутсанг ҳам унутгин, аммо
Севгимиз унутма, унутма асло.

Қошлари камоним, киприги найза,
Дoston бўлар дилим тугунин ёйса.
Нетайин, сўзимга тақдир кўнмаса,
Мени унутсанг ҳам унутгин, аммо
Севгимиз унутма, унутма асло.

Бу дунё бизларга қилмасдан вафо,
Борармиз бир ўйда икки йўл аро,
Иккимизнинг кўрган кунимиз қаро,
Мени унутсанг ҳам унутгин, аммо
Севгимиз унутма, унутма асло.

Йиллар ўтиб қонлар қайнаб тошганда,
Балки кўришармиз қирқдан ошганда,
Қалтис сўз айтмайлик бугун шошганда,
Мени унутсанг ҳам унутгин, аммо
Севгимиз унутма, унутма асло.

Қурдириб кимнингдир юрагига тахт,
Кўнгил сазар: бизлар топажакмиз бахт,
Бузди деб ўйлама, бузилмади аҳд,
Мени унутсанг ҳам унутгин, аммо
Севгимиз унутма, унутма асло.



ОҚҚУШЛАР...

Юрагинг юрагим демасми, жоним,
Соғинганда кўргинг келмасми жоним.
Сабри тугаб қалбдан учмоқда бир қуш,
Ўшал учган оққуш сенмасми, жоним?

Муҳаббат тўнини ечиб кетдинг сен,
Суймай бегонани қучиб кетдинг сен,
Кўнгил кўлларидадан учиб кетдинг сен,
Ўшал учган оққуш келмасми, жоним?

Кўзларинг кўзларим қўмсамасми, айт?
Кўклардан кечикмай қалбгинамга қайт,
Ахир, юрак, ёрим эди у бир пайт -
Ўшал учган оққуш демасми “жоним”?

Фикру ҳаёлимни асирлар этган,
Суйиб куйдиришлик бахтига етган,
Муштдек юрагимни азоблаб кетган,
Ўшал учган оққуш эмасми, жоним?

Тугатмоқда ҳажринг сабримни аста,
Хижронда қилмагин юрагим хаста,
Севаман деб тутсам сенга гулдаста,
Олмадинг, оққушлар севмасми жоним?



МУНДАРИЖА

Маккора қиз	3
Соғинч қийнар...	4
Тасалли	5
Севар ёрим	6
Дур бўлсин	7
Севар эдим	8
Айрилиш	9
Алам	10
Шодликларга...	11
Нечун? 1-2	12
Қадринг	14
Сиримизни	15
Эслайман	16
Ёлғизлик	17
Отабек сўзи	18
Умрим ўтмоқда	19
Сенсиз	20
Муҳаббатни...	21
Энди бекор	22
Бахтсиз девор	23
Ёлғон экан	24
Муҳаббат	25
Уялиб	26
Юрак ўзи	27
Ошиқмиз	28
Кеч бўлса ҳам...	29
Тунда...	30
Айтгин	31
Адашган қиз	32



Орзудаги ёр	33
Азизим...	34
Ёт кўчага	35
Сув сепгани	36
Сени	37
Керак пайт	38
Ваъдасини	39
Унутма	40
Оққушлар	41



Адабий-бадиий нашр

Равшан ҲАМРОЗ

ЭИ ДИПДОР

Шеърлар

Муҳаррирлар:

Усмонжон ШУКУРОВ

Пўлат АБДУЛЛА

Техник муҳаррир:

М. МИРЗАКАРИМОВА

Мусахҳиҳ:

Мадина УСМОН

Компьютерчи:

Ҳ. ПАРПИЕВ.

Босмахонага 17.03.2006 йилда берилди.

Босишга 10.04.2006 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 2,75 б/т

Буюртма № 668. 2150 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда.

"Andijon nashriyot-matbaa" ОАЖ